

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги вакиллари Ўзбекистон-нинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши бўйича ишчи гуруҳнинг 9-йиғилишида иштирок этди ҳамда Республикамизда фитосанитария йўналишида амалга оширилган ишлар, галдаги вазифалар бўйича тақдимот қилди.



Иброҳим ЭРГАШЕВ,
Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
бош директори

Эътироф этиши керакки, кейинги йилларда Президентимиз томонидан истиқболни кўзлаб олиб борилаётган одиллона сиёсат, илгари сурилаётган таклифлар, халқаро миқёсдаги ташаббуслар Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатидаги нуфузини янги босқичга кўтарди. Дунё юртимизни қайта ва қайта кашф этмоқда ва буни халқаро экспертлар, зукко сиёсатчилар ҳам тез-тез эътироф этишмоқда. Галдаги вазифа юртимизнинг жаҳон савдо ташкилотига тезроқ аъзо бўлишига эришмоқ, ўз маҳсулотлари ва хизматларини дунёнинг янада кўпроқ мамлакатларига чиқара олишини таъминлашдир. Кейинги бир йил ичида барча соҳаларда катта ўзгаришлар юз берди, дипломатик учрашувлару келишувларга эришилмоқда. Аграр йўналишдаги саъй-ҳаракатлар кўлами ҳам яққол кўзга ташланыпти. Биргина ўсимликлар карантини ва ҳимояси йўналишидаги фаоллики олайлик. Бу борада қонунчилик такомиллашмоқда. Ўзбекистон 30 дан зиёд фитосанитария чоралари бўйича халқаро стандартлар (ИСПМ) ва 140 та Европа ва Ўрта ер денгизи ўсимликлар ҳимояси бўйича минтақавий ташкилоти халқаро стандартларини миллий қонунчиликка уйғунлаштирди.

Ўзбекистон Республикаси «Ўсимликлар ҳимояси тўғрисида»ги қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 6 мартдаги 115-сонли (рўйхатга олиш) ва 5 августдаги 481-сонли (савдосини тартибга солиш) қарорлари пестицидлар ва минерал ўғитларни рўйхатга олиш, уларни импорти ва савдосини тартибга солувчи БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) талабларини инобатга олинган ҳолда қабул қилинган.

Ҳеч шубҳа йўқки, фитосанитар хавфсизлик муҳим масаладир. Бу жараёнда лаборатория экспертизаларининг халқаро стандартларга мос равишда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилади. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича Ишчи гуруҳнинг 9-йиғилишида Марказий фитосанитария лабораторияси халқаро аккредитацияга («SNAS») эга эканлиги айтиб ўтилди. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, Ўзбекистонда Ўсимликлар карантини (фитосанитария) тизимидаги барча жараёнлар рақамлаштирилган, мутахассислар малакаси муттасил ошириб борилмоқда. Карантин остидаги маҳсулотлар импорти, экспорти, фумигация, дала назорати ва мониторинги, зарарли чигиртка назорати, биологическая лаборатория ва бошқалар Агентликнинг э-Фито.уз автоматлаштирилган ахборот тизимида жамланган. Тизим Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенциянинг IPPC ePhyto Solution тизимида интеграция қилиниб, хорижий давлатлар билан электрон фитосанитар сертификатлар билан алмашинув йўлга қўйилган.



Очиқлик принципини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш учун Агентликнинг “Agroko`makchi” мобил иловаси яратилгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Мазкур иловада экспорт, импорт талаблари, хизматлар, рухсат этилган пестицидлар ва минерал ўғитлар рўйхати, зараркунандаларга қарши уйғунлашган кураш услублари ва бошқа янгиликлар доимий равишда жойлаштирилиб, янгиланиб боради. Тезкор инспектор чақирув “тугмаси” жорий этилгани эса деҳқон ва фермер хўжаликлариغا зарурат туғилганда тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконини беради.

Ишчи гуруҳ йиғилиши иштирокчиларига ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиқнинг кўлами ҳақида маълумотлар берилди. Хусусан, Агентлик ходими Султонмахмуд Султонов Европа ва Ўрта ер денгизи ўсимликлар ҳимояси бўйича минтақавий ташкилотнинг вице-президенти бўлиб иккинчи муддатга сайланганини дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистонга билдирган яна бир ишончи, дея баҳолаш мумкин.

Бугун ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини янада ривожлантириш бўйича халқаро ташкилотлар, молия институтларининг техник кўмагида (GIZ, KOICA, ITC, China, USAID ва бошқалар) моддий техник базани мустаҳкамлаш, ходимларни ўқитиш, қўлланма ва услубий ишлаб чиқиш юзасидан фаолият олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги жараёнлар ҳам Ишчи гуруҳ йиғилишида атрофлича таҳлил этилди ва соҳани ривожлантиришга оид кўрсатма ва тавсиялар берилди.

ФАОЛЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

КАРАНТИН АГЕНТЛИГИ: СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИНГ, ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИНГ

Серкӯёш ўлкамиз тупроғида етиштирилган юқори сифатли ва таъми оғизда қоладиган турли нозу-неъматларга дунё бозорида талаб катта. Айниқса бугун – жаҳонда экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кундан кунга ошиб бораётган маҳал. Асосий масала экспортни йўлга қўйишда, шу ишга киришган тадбиркору ташаббускорларга тўғри йўлни кўрсатишда. Ҳисоб- китобларга кўра, Ўзбекистон дунё бозорига ҳозиргига нисбатан ўн карра, юз карра кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб чиқиши, шу орқали бир неча ўн миллиард доллар фойда кўриши мумкин. Афсуски, бу беқиёс имкониятлардан етарли фойдалана олганимиз йўқ. Давлатимиз раҳбари худди шу сабабли ҳам мўъжизалар манбаи саналган аграр соҳани ривожлантиришга, тизимда инновацион тамойилларни қўллашга, илм-фан ютуқларига таянган ҳолда фаолият олиб боришга доимий эътибор қаратмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан республикаимизда Қишлоқ хўжалик академиясини ташкил этишга киришилгани, олимлар меҳнатига юқори ҳақ тўлашга ўтилгани, хориж билан алоқалар кўлами кундан кунга ошиб бораётгани ҳам шундан. Президент талабига кўра Карантин агентлиги экспорт занжири иштирокчиларининг том маънода қўмакчиси, маслаҳатчисига айланиб бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 ноябрь куни мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ва экспортини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилишида Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига бир қатор вазифалар юклатилди. Ҳар бир маҳалла, хонадон ва фермер хўжалигига экспорт билан боғлиқ ишларни янада фаоллаштириш учун Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг 2 минг нафардан ортиқ карантин инспекторлари жалб этиладиган бўлди. Аслида бу бежиз эмас. Негаки, юқори сифатли маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқаришдаги дастлабки бўғин деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобланади. Халқаро сифат стандартларига мувофиқлик айнан шу ерда – далалар, боғлар, иссиқхоналар ва томорқалардан бошланади. Шу боис ҳам ҳар бир маҳалла, хонадон ва фермер хўжалигига карантин инспекторининг бириктирилиши халқаро талаблар асосида маҳсулот етиштиришга кўмаклашади ва шу орқали экспорт ҳажмини ошириш имкони туғилади. Қолаверса, сўнгги йилларда ходимларнинг аксарияти халқаро дастурлар асосида малака оширишга муваффақ бўлди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг январь ойида Агентлик олдига экспорт ҳажмини ошириш бўйича қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Экспорт маркази ташкил этилган эди. Бу ерда мева-сабзавот етиштиришга оид барча маълумотлар мувофиқлаштирилади. Экспорт занжирининг барча

иштирокчиларни – етиштирувчидан тортиб, хориждаги импортёргача – барчани бирлаштирган ўзига хос платформа инспекторлар томонидан олиб борилган ҳар кунги мониторинг маълумотлари жамланади. Марказий экспорт штаби мутахассислари экспортбоп маҳсулотлар тўғрисида маълумотларни жамлаб, хорижий импортёрларга етказиб боради. Шу билан бирга, яқин 20 кун ичида экспортга тайёр бўладиган сабзавот, мева, полиз ва дуккакли экинлар ҳақида маълумотлар сарҳисоби олиб борилади.

Бугун ушбу механизм кутилганидек самара бермоқда ва фитосанитар сертификат асосида мева-сабзавотларни экспорт қилиш ҳажми ошиб борапти. Айни шу ҳужжат турли маҳсулотларни кўплаб давлатларга экспорт қилишда қўл келишини тадбиркорлар англаб етмоқда. Бугун Агентлик ташаббуси вқа юртимизнинг хориждаги элчихоналари ва ваколатхоналари кўмагида экспорт билан бевосита шуғулланаётган кўплаб тадбиркорларнинг халқаро кўргазмаларда иштирок этиши таъминланди. Дубайдаги «Gool Food», Париждаги SIAL ва Хитойдаги «Canton Fair» каби кўргазмалар ўзаро манфаатли келишувларга асос бўлди. Биргина Хитойда ўтказилган кўргазма натижасида 2 миллион долларлик шартномаларни имзолашга эришилди.

Яна бир муҳим янгилик шундаки, биз замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда тадбиркорларга халқаро онлайн савдони кенгайтиришда ёрдам беришни ҳам режалаштиряпмиз. Яқин вақт оралиғида бошқа мамлакатлар тажрибага таянган ҳолда юртимиз тадбиркорларини халқаро онлайн бозорларда ўз маҳсулотларини намойиш этишга тақлиф этамиз.

Энди қуйидаги рақамларга эътибор қаратинг. Жорий йилда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти 2 миллиард доллардан ошди, бу эса 2023 йилдагидан 370 миллион долларга кўпдир. Ўзбекистон ўрик экспорти бўйича дунёда учинчи, гилос ва шафтоли экспорти бўйича еттинчи, дуккакли экинлар бўйича ўнинчи ўринни эгаллади. Биргина гилос 16 давлатга экспорт қилинди.



Ижобий кўрсаткичлар яхши, лекин ҳали бажарилиши лозим бўлган режалар кўп. Ҳосил йиғиб олинadиган даврида нархлар арзонлашгани боис қарам, лавлаги, пиёз каби экинлар далаларда қолмоқда. Шу боис, эътиборга лойиқ яна бир муҳим жиҳат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта